



280

Q A R O R

2010 yil "30" СЕН

Samarqand tumani

№- Q Sonli

“Фуқаро Ахроров Самага “Қўшмачит”
маҳалла маркази худудидан гўшт дўкони
қуришга рухсат бериш тўғрисида”

“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қўшмачит” маҳалласида яшовчи фуқаро Ахроров Саме туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, маҳалла маркази худудидан гўшт дўкони қуришга рухсат беришни сўраган.

Юқоридагиларни, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Давлат экологик экспертизасининг 2010 йил 19 майдаги 469-сонли хулосаси, “Қўштамғали” маҳалла фуқаролар йиғини раисининг 2010 йил 24 майдаги 511-сонли маълумотномаси ҳамда туман ер танлаш ҳайъатининг далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 20-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН :

1. Фуқаро Ахроров Самага “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қўшмачит” маҳалла маркази худудидан масоҳати 14 м.кв. гўшт дўкони қуришга рухсат бериш тўғрисидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Ахроров Самага гўшт дўконини қуришдан олдин қатъий равишда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, туман тегишли ташкилотлари билан келишилган ҳолда қуриш юклатилсин.
3. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев